

ТУРК ТИЛИНИ ЎҚИТИШ МЕТОДЛАРИ: ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВЛАР ВА АНЬАНАВИЙ УСЛУБЛАР



<https://doi.org/10.5281/zenodo.14209265>

Сарвара Ирисалиевна Ташалиева,

Тошкент давлат шарқшунослик Университети, Туркшунослик олий
мактаби катта ўқитувчisi ,

Ўзбекистон Журналистика ва Оммавий Коммуникациялар Университети,
Хорижий тиллар кафедраси катта ўқитувчisi

АННОТАЦИЯ

Уибу мақолада турк тилини ўқитишнинг турли методлари, турк тилининг фарқли жиҳатлари ҳақида сўз юритилади. Коммуникатив метод, маданий жиҳатлар асосидаги ёндашувлар, ҳамда қиёсий методларга алоҳида эътибор қаратилган. Шунингдек, замонавий таълим воситалари, рақамли платформалар ва мультимедиа ресурсларидан фойдаланиши кўриб чиқилган.

Калим сўзлар: тил ўқитииши методлари, анъанавий ёндашувлар, маданий элементлар, фразеологик ифодалар.

ANNOTATION

This article discusses various methods of teaching Turkish and their focus on learners. Particular attention is given to communicative methods, culturally based approaches, and comparative-analytical methods. Additionally, the use of modern educational tools, digital platforms, and multimedia resources is examined.

Key words: language teaching methods, phraseological expressions, traditional approaches, cultural elements

АННОТАЦИЯ

В статье рассматриваются различные методики преподавания турецкого языка, ориентированные на разные категории изучающих. Особое внимание уделено коммуникативному методу, подходам, основанным на культурных аспектах, и сравнительно-аналитическому методу, а также используются современные средства обучения, такие как цифровые платформы и мультимедийные ресурсы.

Ключевые слова: методы обучения языку, фразеологические выражения, традиционные подходы, элементы культуры.

Ҳозирги кунда маданиятлараро коммуникация ва ижтимоий мулокотни ривожлантиришда хорижий тил таълимининг аҳамияти бекиёсdir. Шунинг учун ҳам жамиятда хорижий тилларга эътибор кучаймоқда. Мамлакатимизда

охирги йилларда турк тилини ўрганишга бўлган қизиқиш ҳам ортиб бормоқда. Бу жараёнда турк тилини ўргатиш билан боғлиқ назарий ва амалий ишларнинг олиб борилиши жуда ҳам муҳимдир.

Методлар муҳокамасига ўтишдан олдин, турк тилининг асосий хусусиятларини кўриб чиқиш зарур, чунки улар уни ўқитишида ёндашувларга таъсир қўрсатади. Турк ва ўзбек тиллари бир оиласига мансуб бўлишига қарамай ўзига хос тизимга эга алоҳида икки тил ҳисобланади. Бу тилларни бир тилнинг икки лаҳжаси деб қарайдиган тилшунослар ҳам бор. Лекин турк ва ўзбек тиллари ички тараққиёт натижасида шундай даражага етганки, уларни бир тилнинг лаҳжалари деб қараш хато.[Ж.Шабанов,2009] Турк тилини ўрганишда ҳар икки тилнинг ўзига хосликлари, фарқли қоидалари борлигини унумаслик керак.

Турк тили туркий тиллар оиласига мансуб бўлса ҳам, ўзига хос грамматик тузилма ва фонетикага эга. Талабалар ўзбек тилидан фарқли бу жиҳатларни алоҳида эътибор билан ўрганишлари лозим. Турк тилида агглютинация кенг қўлланилади. Тилнинг бу хусусиятига айниқса, русийзабон гуруҳларда алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир. Туркий тиллар учун хос бўлган товушлар мослашуви қоидаларини ўзлаштиришларида мавзуларни мустаҳкамловчи машқлар муҳим ўрин тутади.

Турк тилини ўқитиши методикаси коммуникатив компетенция шакллантириш, тил қўнималарини ривожлантириш ва маданиятни чуқурроқ англашга қаратилган ёндашувларни ўз ичига олади. Турк тили дарсларида тўртта асосий қўниммага teng аҳамият берилади. Ўқиши, тинглаш, ёзиш ва нутқ фаолияти одатда параллел равища амалга оширилади. Ўқилаётган ёки тингланаётган матн ҳақида гапирилади ва муҳокама қилинади. Ўтказилган сұхбатлар асосида талабалар ушбу мавзу бўйича фикрларини ёзиб беришади.

Турк тилини ўқитишининг асосий методларини кўриб чиқамиз.

Грамматик мавзуларни машқ ва турли топшириқлар билан мустаҳкамлаш

Бу метод анъанавий ёндашув бўлиб, грамматика қоидаларини ўрганиш ва матнларни таржима қилишга ургу берилади. Ҳар бир мавзуга мос матнларни танлаш ва назарий маълумотнинг ўзлаштирилиши учун қулай имконият яратиш лозим бўлади. Шу ўринда таъкидлаш керакки, баъзи мавзулар фақат машқларни бажариш йўли билан ўзлаштирилади. Масалан, равищдош шакллари анчагина мураккаб мавзу ҳисобланади.[Fatma Zeypur Koşucu,2007] Бошқа тиллар билан солиштиргандаги турк тилидаги равищдош шакллари жуда хилма-хилдир. Равищдош қўшимчалари ҳар доим ҳам ўзбек тили билан мос

келавермайди. Шу жиҳатдан равишдош ва шу каби мураккаб мавзуларнинг ўргатилишида машқлардан унумли фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Коммуникатив ёндашув

Коммуникатив ёндашув турк тилини ўқитишида фаол қўлланилади, чунки у амалий қўнималарни ишлатиб, тилда мулоқот қилиш қобилиятини ривожлантиришга қаратилган. Бу усулда диалог ва ҳолатли ўйинлардан фойдаланиш мумкин. Бунинг учун эса турли мавзудаги ўйинларни ташкил қилиш ва талабаларни ўзаро мулоқотга киришишга даъват этиш, яъни фаоллашувига туртки бериш керак. Масалан, “Танишиш”, “Ўқитувчи-ўқитувчи”, “Қайси сўзларни биламан?” каби мавзулардаги ўйинларни ташкил қилиш лозим. У ёки бу грамматик материални тушунтиргандан ҳам турли ўйинлардан фойдаланиш яхши натижа беради. Масалан, “Сон туркуми” мавзусини тушунтирганда “Супермаркетда”, “Аукционда”, “Китоб дўконида”, “Бозорда” сингари мавзуларда диалогли матн туздириш мақсадга мувофиқ. Талабалар бу ўйинлар орқали маълум бир мавзуга оид сўз ва сўз бирикмаларидан фойдаланиш билан бирга ўтилган назарий мавзуни янада яхши ўзлаштириш имконига эга бўладилар.[S.Tashaliyeva,2023]

Маълумки, турк ва ўзбек тиллари лексик, грамматик жиҳатлардан жуда яқин. Бу яқинлик ҳар доим ҳам талабага қулайлик ҳисобланмайди. Турк тилидаги баъзи сўзлар ўзбекчада ҳам бор, лекин бошқа маънони англатади.[X.Imamova,2009] Масалан, “zor” сўзи ўзбекча “зўр” сўзи билан бир хил айтилади . Аммо, турк тилида “қийин” маъносида ишлатилади. ‘Düşmek’ феълининг ўзбекча муқобили эса “йиқилмоқ”. Ўзбек тилидаги “тушмоқ” феъли туркчага “inmek” тарзида ўгирилади. Бундай маъно фарқлари турк тилини ўрганаётган ўзбекларга бирмунча қийинчилик туғдиради. Шу сабабли, турк тилини ўргатишида ана шундай фарқли жиҳатларни эътибордан четда қолдирмаслик лозим.

Лойиҳа асосида ўқитиши

Лойиҳа асосида ўқитиши методи талабаларга мустақил лойиҳаларни, масалан, «туркча ёшлар адабиёти» ёки «туркча идиомаларнинг ўзбек тилига таржимаси» мавзуларида лойиҳалар ишлашга имкон беради. Масалан, талабаларга туркча таомлар ҳақида қисқа лойиҳа тайёрлашни топшириш мумкин. Бу, масалан, туркча «Kebab» (кабоб), «Baklava» (баклава) каби миллий таомларни ўрганиш ва маданий бойликларни англашга ёрдам беради.

Аудиоматериал билан ишиш

Аудио-лингвал метод, унда нутқ тузилмаларини тез-тез такрорлаш ва ишлашни ўз ичига олади. Бунда машхур турк хонандаларининг қўшиқлари ёки турк кинолари сўзларини ўрганиш орқали талаффуз ва грамматик қоидалар

мустаҳкамланади. Қўшиқлар халқнинг тилини ўрганишга, унинг тарихини, турмуш тарзи, маданияти ва ҳис-туйғулари билан танишишга кўмаклашади.[J.Shabanov, 2009] Масалан, Sezen Aksu каби машҳур турк хонандаларининг қўшиқлари орқали ибора ва ўхшатишлар, бадиий тасвир сўзларини ўргатиш мумкин. Тажриба ва кузатишларимиз шуни кўрсатадики, талабалар бу каби машғулотларда жуда катта қизиқиши билан ишлашади. Санъат асарларининг тили талабаларга нафақат тилни, балки халқнинг маданий жиҳатларини ҳам ўрганишга ёрдам беради.

Интерактив рақамили методлар

Интерактив платформа, масалан, Duolingo ва Kahoot каби платформалар, асосий сўз бойлигини мустаҳкамлаш учун фойдали. Турк сериалларини томоша қилиш ва муҳокама қилиш ҳам талабаларнинг мuloқот ва эшлиши кўникмаларини ошириш учун яхши манба ҳисобланади. «Muhteşem Yüzyıl» ёки «Diriliş: Ertuğrul» каби сериаллар тарихий ва маданий контекст орқали турк тилини чуқурроқ тушунишга имкон беради. Бунда сериал ёки кинофильмнинг кичик бир қисмини танлаб олиб, янги сўз ва иборалар устида ишлаш мақсадга мувофиқдир.

Ҳар қандай тилни ўқитишда маданият муҳим рол ўйнайди, чунки у ўқувчиларга контекстни яхшироқ тушунишга ва тилдан табиийроқ фойдаланишга ёрдам беради. Масалан, «Bir elin nesi var, iki elin sesi var» мақоли талабаларга жамоавий ишлашнинг афзалликларини кўрсатади. Турк мусиқаси, фильмлари, адабиёти ва фольклори каби маданий материаллардан фойдаланиш турк тилини чуқурроқ тушуниш ва ўқувчиларнинг дунёқарашини кенгайтиришга ёрдам беради.

Турк тилини самарали ўргатиш турли ёндашув ва методларнинг, шу жумладан коммуникатив ва лойиха методларининг уйғунлигини ҳамда маданий элементларни ўқув жараёнига киритишни назарда тутади. Бу ўқувчиларга нафақат тил кўникмаларини эгаллашга, балки Туркиянинг маданий ва тарихий жиҳатларини яхшироқ тушунишга ёрдам беради, шу орқали тилни ўрганиш жараёни янада мазмунли ва мотивацияли бўлади. Турк тилини ўқитиш методлари замонавий технологиялар ва маданиятлараро коммуникация эҳтиёжларига жавоб бериб, такомиллашишда давом этмоқда.

Турк тилини ўқитиш самарали бўлиши учун дарсларда фақат битта метод бўлмаслиги керак. Бир нечта усуллардан фойдаланишга эътибор қаратиш лозим. Ҳар бир мазуга мос таълим технологияларидан фойдаланиш, талабаларнинг таълим йўналишларини ва тил билиш даражаларини инобатга олиш жуда муҳимдир.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. J.Shabanov.Chet tilini o ‘qitish metodikasi va zamonaviy texnologiyalari.T,2009.
2. Özcan Demirel. Genel öğretim yöntemleri, Ankara,1994.
3. X. Имомова. Турк тилини ўқтишда сўз маъноларини очиб бериш йўллари. Шарқ тиллари ва адабиёти фанларини ўқитиш методикасининг долзарб масалалари Тошкент,2009.
4. С.Тошлиева. Турк тилини ўргатишнинг баъзи интерфаол усусларига доир..Лингвист III.Илмий мақолалар тўплами.Т,-“Академнашр” 2012.
5. С.Тошлиева. Турк тили таълимида сўз бойлигини орттириш йўллари. “Teaching foreign languages in the context of sustainable development: best practices, problems and opportunities” T,2023.
- <https://orientalpublication.com/index.php/iscrc/issue/view/34>
6. Fatma Zeynep Koşucu. Türkçenin yabancılara öğretiminde ulaşların düzeylere göre incelenmesi. Yüksek lisans tezi, İstanbul Üniversitesi. İstanbul-2007.